



**“Темур тузуклари”
ёшлар нигоҳида**

2-саҳифа

“АҚЎЛЛИ БОШЛАР” четга
чиқиб кетмоқда(ми?)

3-саҳифа



**Yevropacha futbol
O'YNAMAYMIZ!**

4-саҳифа



**Biz adolat
istaymiz**

“Hali yosh edi. O'qishga kirolmasa, shunday qilish kerakmi?! Ota-onasini kuydirib ketdik! Yolg'iz farzand edi-ya. Otasiga “Shuncha mol-holing bor, sotib, institut domlari bilan gaplash, ancha cho'kib qolibdi bolang”, degandim. Unamadi, mana ahvol. Bilimi qanday yaxshi edi-ya, boshini kitobdan ko'tarmasdi”.

Keyingi sonlarda



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 61 (16366)

31-iyul, chorshanba

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz | yoshlarovoz@umail.uz | @yoshlarovoz

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Ёндашув ўзгарди, талаб ҳам

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-маъноси тарғиб этиш ва ижросини таъминлашга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва ин-



новацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун яратилаётган имкониятлар ҳақида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонова ва Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров маълумот берди.



гача пул мукофоти билан тақдирланди. Энди олимпиадаларга, ёшларнинг

кизикиши муваффақиятга эришишига ҳеч ким эътиборсиз бўлмайди.

ларга саралаш босқичи кўпайтирилиб, мусобақалар халқаро таърибга таянган



Ўқувчилар билан ишлаш департаменти томонидан мувофиқлаштириб борилади. Департамент иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантириши ва уларнинг келгуси фаолиятини мониторинг қилиб боради.

ФАН ОЛИМПИДАЛАРИНИ ТЎРТТА ЙЎНАЛИШДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА:

1. Асосий фан олимпиадаси (4 босқичда ўтказилади);
2. Маҳаллий фан олимпиадаси (1 босқичда ўтказилади);
3. Халқаро фан олимпиадаларига саралаш (3 босқичда ўтказилади);
4. Онлайн фан олимпиадаси (ҳар чоракда ўтказилади).


ЭНДИ ОЛИМПИДАЛАР ФАҚАТ ПОЙТАХТДА ЭМАС, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Жорий йилнинг октябрь, ноябрь ойларида:

ЖИЗЗАҲДА — биология, ФАРҒОНАДА — кимё, БУХОРОДА — математика, ХОРАЗМДА — физика, ТОШКЕНТ шаҳрида — информатика фанидан БЕЛЛАШУВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ.

Абдулазиз АХМЕДОВ

Иш керакми, иловани оч!



Ўзбекистонлик ёш новатор Рустам Иброҳимов кунлик иш қидираётган фуқаролар учун “Job Safe” мобил иловасини ишлаб чиқди.

Муаллифнинг фикрича, ушбу дастурий маҳсулот юртимиздаги “мардикор бозорлари” фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни замонвий ҳолатга келтириш имконини беради.

Мобил илованинг ҳамаки варианти жорий йил бошида экспертлар эътиборига ҳавола қилинган. Сўнгра бир неча ой мобайнида у Инновацион ривожланиш вазирлигида ташкил этилган Инновациялар ва бошқарув ечимлари лабораториясида мутасадди давлат идоралари ҳамда хорижий мутахассислар қўмағида “пиштилди”. Қуни кеча лойиҳанинг бойитилган варианти қайта муҳокама этилди. Тадбирда Тошкент шаҳридаги бир қанча туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, БМТ Тараққиёт дастури вакиллари иштирок этди.

Давоми 3-саҳифа.

Munosabat

Ҳаққонийлик — касб этикаси

Бугун медиа майдонда исталган ҳудуд ёки давлатга тааллуқли маълумотни олиш муаммо эмас. Лекин ўша маълумотлар қай тариқа, кимлар томонидан тарқатилмоқда? Холислик даражаси қандай?

Жорий йилнинг 17 июль санида қабул қилинган Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси бугун нафақат мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ОАВ вакиллари ва медиа экспертлар, балки кенг жамоатчилик муҳокамасида турибди.

Ахборот тарқатиш одоби, мезонлари азал-азалдан мавжуд. Жумладан, журналистикада ҳаққонийлик тушунчаси ҳеч бир замонда, ҳеч бир мамлакатда ва ҳолатда ўзгармайди. Журналист юксак савияда ижод қилиши мумкин, лекин ҳаққонийликка хилоф йўл турса, унинг барча саъй-ҳаракати чиппақка чиқиб муқаррар. Худди шу мезон холислик ва аниқлик шартлари ҳам бевоқиф тааллуқли.

Ҳаққонийлик — миллий манфаат — касб этикаси мей-

ёри триадаси юзма-юз келган ҳолларда журналистнинг (ёки шарҳловчининг) ижодий маҳорати, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатини баён этиш оҳанги ва энг муҳими, унинг асл нияти ҳал қилувчи аҳамият касб этикаси. Нияти эзгу бўлган журналист ҳар қандай вазиятда миллий манфаатга путур етказмаган ҳолда ҳаққонийликка қарши бормайди.

Нимани очик айтиш ва нимани ошкор этишга шойилмаслик ҳам журналистдан муайян таърибани, вазминлигини талаб этилади. Айтилик, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни жамоатчиликка етказётган журналист маълум маънода сиёсий куч ҳисобланади. Унинг талқинида ёритилаётган воқеа кенг омма томонидан қабул қилинар экан, ўша воқеа жойида бўлмаган киши-

лар журналистнинг ахбороти орқали маълум тушунчага эга бўлиб, унга ишонади. Шу ўринда интернет имкониятлари туфайли вужудга келган, тобора оммалаша бораётган “фуқаролик журналистикаси” ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Ахборот этикаси нукта назаридан қаралса, “фуқаролик журналистикаси” жиддий ташвиш туғдиради. Ҳар бир шахс исталган мавзуда ва исталган вақтда ахборот тарқатиш воситаларига эга бўлиши бугун дунёда фавқуллода эркин муҳитни яратди. Бироқ бу — ахборот тарқатган ҳар қандай шахс журналист дегани, журналистикани соҳа, касб сифатида обрўсизлантиришга йўл қўйиш мумкин дегани эмас.

Давоми 2-саҳифа.

Бир ойда саккизта медаль



Париж шаҳрида яқунланган 51-халқаро кимё олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси тўртта медалини қўлга киритди.


Мусобақада 85 мамлакатдан 300 нафардан зиёд ўқувчи катнашган. Мураккаб шартлар бўйича тўпланган баллар сарҳисобига кўра, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчилари — Ислам Каримов ва Мохира Болтаева кумуш, шу таълим муассасасининг яна бир вакили Улугбек Бойирбеков ҳамда Тошкент давлат аграр университетини қошидаги академик лицей ўқувчиси Диёр Ҳайитов бронза медалига сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, июль ойининг ўзида юртимиз вакиллари нақ учта халқаро фан олимпиадасида ғалаба қозонган. Даставвал ёш биологларимиз Венгриядан 3 та бронза билан қайтган бўлса, 14-23 июль кунлари Буюк Британияда ўтказилган 60-халқаро математика олимпиадасида Қорақўл академик лицейи ўқувчиси Жаасурбек Имомов Ўзбекистон ҳисобига яна битта бронза медалини ёздирди.

Роҳатой ҚОДИРОВА

Eshitdingizmi?

Америкалик бир гуруҳ талабалар юртимизда илмий стажировка ўтамоқда. Қўшма дастур Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фуллертондаги Калифорния давлат университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. У 2017 йилдан буён амалда.



фани жадал ривожланмоқда. Бу коинотни тадқиқ этишда замонавий технологиялар, жумладан, ўта юқори аниқликдаги телескоплар қўлланилаётгани билан боғлиқ. Шундайлар борки, Ой устига қўйилган олмани Ердан туриб бемалол кузатиш имконини беради.

— Технологик тараққиёт коинотдаги қора туйнуклар сир-асрорларини очишга ҳам ёрдам бермоқда. — таъкидлайди суҳбатдошимиз. — Ушбу объектлар ўта оғир юлдузлар эволюцияси жараёнида ҳосил бўлади. Яъни ўта оғир юлдуз умрини яшаб бўлгач, қора туйнукка айлангани фанда исботланган. Аммо қора туйнук ҳар нарсани, ҳатто нурни ютиб юборишдек хусусиятга эга. Шу боис уни аънавий усулда кўриш амри маҳол. 2019 йил апрель ойида Ҳодисалар горизонти телескопи ёрдамида олимлар тарихда биринчи мартаба Meisner 87 гигант эллиптик галактика марказидаги қора туйнук шарпасининг радиотасвирини олишга муваффақ бўлди. Маълумотларни тўплаш учун Курраи заминнинг турли бурчакларида ўрнатилган саккизта радиотелескоп ишга солинди. Мазкур жараёнда юртимиз астрофизиклари ҳам иштирок этиб, оламшумул кашфиётга муносиб ҳиссасини қўшган.

Умуман олганда, замонавий дунёда илм-фан интеграциясини жамоавий меҳнатсиз тасаввур қилиш кийин. Бугун олим бир ўзи, битта лабораторияда ўтириб, янгилик яратолмайди. Тадқиқотчилар ўзаро фикр, тажриба алмашиши керак. Дарвоқе, бундай ёндашувни илк бор XIV асрда улуг аждошимиз Мирзо Улуғбек ўзи асос солган Буюк астрономия илмий мактабида татбиқ этган.

Океан ошиб ёшлар Ўзбекистонга илм истаб келди

Даставвал океан ортидан ватанимизга фақат ёш математиклар жалб қилинган бўлса, эндиликда камров физика, биология ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳисобига янада кенгайди. Талабалар Шавкат Олимов, Шавкат Аюпов, Равшан Собиров, Бобомурод Аҳмедов, Ўткир Розиков сингари жаҳонга машҳур олимларимиз раҳбарлигида долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Уч нафари Урганч давлат университети, коллажлари Тошкент шаҳридаги илмий-тадқиқот муассасаларига тақсимланган.

Калифорния университети битирувчилари — Маркос Фигуэро ва Хосе Сандовал астрофизика билан шугулланади. Айни вақтда улар ЎЗР ФА Астрономия институ-

тида ёзги мактабни ўтаётди. Йиғиларга институт бўлими мудири, профессор Бобомурод Аҳмедов устозлик қилмоқда.

— Хосе ва Маркос Ўзбекистонга келганига икки ой бўлди, — дейди Бобомурод Жўраевич. — Деярли ҳар куни биргемиз. Тушгача мен классик-трагедия ва электромангит майдонлари назарияси бўйича дарс ўтаман. Куннинг иккинчи ярмида семинар машғулотлари бошланади. Америкалик талабалар ўқиб баробарида институтимиз олимлари билан бирга коинотдаги қора туйнукларнинг хусусиятларини ўрганмоқда. Стажировка якунида улар ушбу мавзу юзасидан жаҳондаги энг нуфузли илмий нашрлардан бири — “Physical Review D” журналида мақола эълон қилиши керак. Бугунги кунда астрофизика

ди. XXI асрда ҳам стажировка дастурларига ва жамоавий илмий ҳамкорликка жиддий эътибор қаратилмоқда. Айтайлик, институтимиз АКШ, Германия, Чехия, Италия, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Қозғистондаги етакчи илмий муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Қора туйнукларни ўрганиш бўйича Шанхай – Тошкент – Нурсултон илмий коллаборацияси мавжуд. Бир қанча қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, ёшлар тадқиқот натижалари бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаётди. Умид қиламанки, Ўзбекистонда олинган билимлар калифорниялик талабаларнинг келгуси илмий фаолиятида асқатади.

Наргиза УМАРОВА

Ҳаққонийлик — касб этикаси

Бошланиши 1-саҳифада.

Ижтимоий тармоқ ёки уяли телефон орқали тарқатилган ҳар бир хабарни журналистикага тааллуқли деб тан олиш профессионал ижодий жараён маҳсулини камситиш демакдир. Бу борада профессор В.Монаховнинг (Россия) куйидаги сўзлари ҳар жиҳатдан тўғри: “Интернетнинг вужудга келиши туфайли оммавий ахборот билан ишловчи аънавий ва профессионал субъектлар — журналистлар қаторига ушбу машғулнинг минглаб ва миллионлаб ишқибозлари келиб қўшилди. Уларнинг кўпчилиги журналист касбининг аънавалари ва нормалари ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмас”.

Онлайн нашрларнинг ахборот тарқатишдаги тезкорлиги замон ва давр талабига мос. Бироқ бундай тезкор режимда фаолият юритиш айти электрон нашрлар журналистларидан юқори профессионалини талаб қилади. Афсуски, улардаги барча материаллар ҳам матнинг ишланиши тил ва услуб жиҳатдан профессионал даражада тайёрланмоқда дея олмаймиз. Бир сўз билан айтганда, қалами ўткир, ўз устида ишлайдиган, изланувчан, сўзни ҳис эта билладиган журналист ганини бу тариха тузмаслиги муқаррар. Учта сўздан иборат сарлавҳада бир неча ҳарфий ва стилистик ҳатога йўл қўйилиши айти непрофессионаллик оқибати, ҳолос. Ваҳоланки,



зиддиятли ҳолатлар кам эмас. Бошқача айтганда, экспертлар тақлиф этаётган назарий тавсиялар ҳар доим ҳам қўйилган натижани бермаётти. Яъни ҳаётдаги объектив ҳолат ижодий тарзда шакллантириладиган имижни қўлаб-қувватлашга етарли даражада асос бўлолмапти.

Боз устига, объектив ҳолат билан имиж яратиш кийинчилиги ўртасидаги мувозанатни, уйғунлиқни топишга интилиш сезилмаётти, назаримда. Шу сабабдан ҳар қандай ҳолатни, у ижобийми ёки салбий — ошқора оммалаштиришда ҳам, ҳатто яширишда ҳам шопилмаслик керак. Тактик нуқтан назардан ахборотни ўз вақтида, керакли микдда, имижга мослаб (унга пулур етказмайдиган даражада, керак бўлса, уни мустаҳкамлайдиган йўсинда) тарқатиш маромини топиш лозим.

Таъкидлаш зарурки: — глобаллашув жараёнидаги

ларига ҳам бевосита дахлдорлиги унутилмаслиги даркор.

Маъзур фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексни бўйича қуйидаги тақлифларни илгари сура- миз:

• Кодекснинг 8-бўлимида плагиат каби долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилгани яхши, албатта. Бас шундай экан, айти пайтда уни таъминлашнинг техник томонларини ҳам ўйлашимиз лозим. Яъни ўзбек тилидаги журналистик матнларни плагиатга текширувчи дастурларни такомиллаштириш ва уларни очиқ интернет каналларига жойлаштиришимиз лозим;

• Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси мамлакатимизда журналистика ўқув йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган барча олий таълим муассасалари ўқув дастурларини тўлиқ қамраб олиниши ҳамда талабалар, яъни бўлгуси журналистлар томонидан атрофлича ўрганилиши керак;

• Назаримизда кодекснинг тегишли қисмига “асоссиз баландпарвоз сўзларни ишлатиш, ҳаддан зиёд мақтовларга берилиш, маддоҳлик ва ялтоқлик элементларига чек қўйиш керак”лигини ҳам киритиб ўтиш керак;

• “Миллийлик ва миллий маънавият” номли 6-моддага “журналист мамлакатнинг ахборот макондаги нуфузига, унинг медиа имижига пулур етказмайди” деб қўшимча киритиш.

Журналист касбининг ўзига хослиги, бир қарашда илгаш кийин бўлган нозик талаб ҳамда тамоиллари борки, биз ўзимиз айтётган сўзнинг ҳаққонийлиги ва еяётган ошимизнинг ҳалол эканлигига ҳар доим ишонч ҳосил қилиб яшашимиз керак.

Беруний АЛИМОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Jarayon Moлиячилар учун



Молия вазирлигида ёшлар бошланғич ташкилоти Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ёш ходимлар ўртасида тарғиб этиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга интилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда китобхонликка кенг жалб қилиш борасида тизимли ишларни олиб бормоқда.

Ходимлар ойда бир мартаба театр, муқаддас қадамжолар, музейларга саёҳат қилмоқда. “Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият”, “Ҳаракатлар стратегияси ва ёшлар”, “Терроризм ва диний экстремизм — давр муаммоси”, “Болаларнинг бегонаси бўлмайди” мавзуларида ўтказилган маданий-маърифий ва хайрия тadbирлари ёшларни янада ҳамжихатликка чорлади.

Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида апрель-май ойларида 151-мактаб ўқувчилари ҳамда 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига турли мавзудаги китоблар жамланмаси тақдим этилди. Вазирлик ходимлари бўш вақтларини унумли ўтказиши учун ижтимоий-иктисодий, ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳамда бошқа турли йўналишдаги адабиётларни жамлаган “Электрон кутубхона” ташкил этилди.

Шунингдек, вазирлик веб-сайтида Ёшлар иттифоқининг Молия вазирлигидаги бошланғич ташкилоти маҳсусу бўлими очилди.

Дилшод ЖУМАНАЗАРОВ, Ёшлар иттифоқининг Молия вазирлигидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Seminar Оилам — маънавий бойлигим!

Сирдарёда “Менинг оилам — маънавий бойлигим” мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Уни Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ўтказди. Оила ва унинг мустаҳкамлигига бағишланган тadbирнинг айнан Сирдарёда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2017 йили вилоятда 1 минг 95 та оилавий ажрим рўйхатга олинган. Ажримлар сони бўйича энг катта кўрсаткич қайд этилган Сайхунбод, Сирдарё, Оқолтин, Сардоба, Боевў,

Ширин, Янгиер, Ховос каби туман ва шаҳарларда оилавий ажримларнинг олдини олиш, маънавий соғлом муҳитни яратиш, келажак авлод онига миллий қадрият ва аънаваларимизни чуқур синглириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилди. Носоғлом оилалар билан алоҳида ишланди, уларнинг муаммосига ечим топилди. Тадбирлар натижасида 20 дан орტიқ оила яраштирилди.

Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти матбуот хизмати ходими

30-iyul — Jahon odam savdosiga qarshi kurashish kuni

Инсоният тўқнаш келаётган муаммо



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати вакиллари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг юртимиздаги лойиҳалар координатори ҳамда бир қатор нуфузли давлат органлари ходимлари иштирок этиди. Тадбирда одам савдосига қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатда криминоген вазиятни яхшилаш, жараёнга малакали мутахассисларни жалб этиш хусусида сўз борди.

2018 йилда:

Юртимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича 123 та жинорий иш қўзғатилиб, 201 нафар шахс жавобгарликка тортилган.

249 нафар киши одам савдосига доир жиноятлар қурбонига айланган.

3 минг нафардан ортиқ шахсга амалий ёрдам кўрсатилган.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича 72 минг 730 та тарғибот тadbирлари ўтказилган.

Азим АХТАМОВ

Пойтахтимизда “Одам савдоси жабрдийдаларини келиб чиқиш мамлакатига қайтариш жараёнида инсон ҳуқуқларига амал қилиш бўйича дастуриламал принциплар” тўпламининг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди.

Tanlov “Темур тузуклари” ёшлар нигоҳида



“Темур тузуклари” ёшлар нигоҳида

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, ДХХ чегара қўшинлари ва Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида Куроли Кучлар тизимидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган харбий қисм ва муассасаларда “Темур тузуклари билимдони” танловининг саралаш босқичи ўтказилди. Танловнинг Зангюта тумани босқичида худуддаги харбий қисм

ва муассасаларнинг 500 нафардан зиёд ёш харбий хизматчилари ўзаро беллашди. Харбий қисмда йиғилган бурчини ўтаётган оддий аскар Саҳоиддин Эшбоев ғолибликни қўлга киритди.

Қандил БОБОҚУЛОВ, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши харбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси



Suhbatdosh

“Ақлли бошлар” четга чиқиб кетмоқдасми?
ёхуд хорижга интилаётган ёшлар ассоциация нигоҳида

— Муродилла, аввало, хорижда таълим олаётган, меҳнат қилаётган ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бошқа турдаги амалий ёрдамлар кўрсатиш борасида ассоциация томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида фикрлашсак.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг юзга яқин вакили Германия, Япония, Туркия, Миср, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Қозғистон каби давлатларда фаолият юритмоқда.

Волонтерлар сафи кундан-кунга кенгайиб, айни пайтда миң нафардан ошганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва ассоциациянинг ўртасида имзоланган меморандум хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар муаммоларини кўриб чиқиш, ўрганиш, диплом нострификацияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро Person Hunters consulting компанияси директори — Юлия Яковлева билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланганини таъкидлаш лозим. Мақсадимиз Ўзбекистондаги компанияларнинг Россия, Хитой, Япония, Германия, Туркия, Латвия давлатлари вакиллари билан бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйиш, хорижда таълим олаётган ҳамда ишлаётган ёшларимиз ўртасида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини яратиш.

— Ассоциация қандай лойиҳаларни амалга оширмоқда?

— Ўтган йилнинг ноябрь ойида Германия Федератив Республикасининг Берлин шаҳрида “Хорижий инновацион ғоялар ва технологиялар ҳамда уларни Ўзбекистонда таъбиқ қилиш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказдик. Мақсадимиз Германия ва Европа давлатларидаги ватандошларимиз турли йўналишларда ишлаб чиққан инновацион ғоялар, ноу-хау, ишланмалар ва янги технологик лойиҳалар билан яқиндан танишиш ҳамда бу лойиҳаларни Ўзбекистонда амалга оширишнинг маъмурий, қонуний асос-

лари ва молиялаштириш масалалари юзасидан фикр алмашиш эди.

Анжуман жуда қизиқарли ўтди. Унда ўзбекистонлик истидорли ёш олимлар билан бирга хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасида кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, инновацион технологияларни жорий қилиш, энергетика, молия ва сугурта, шаҳарсозлик, туризм ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган тақдимотлари намойиш этилди. Анжуманда саралаб олинган инновацион лойиҳа ва маърузалар тўплам сифатида чоп этилиб, тегишли вазирилк ва ташкилотлар эътиборига хавола этилди.

Ўзбекистон фуқароларини меҳнат қилиш ва таълим олиш учун хорижга кетиш жараёни билан таништириш, чет элдан муҳитга интеграциялашувига кўмаклашиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юз бериш мумкин бўлган хавф-хатарлар (фирибгарлик, товланмачилик ва ҳоказо)дан огоҳ этиш мақсадида “Life Abroad” — “Хориждаги ҳаёт” лойиҳасини амалга оширдик. Шу йилнинг 15-18 апрель кунлари Қашқадарь вилоятининг Касби, Деҳқонobod, Миршикор ва Ғузор туманларида, 29-31 май кунлари Самарқанд вилоятининг Нарпай, Оқдарь, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида ўтказилган мазкур лойиҳада 300 дан зиёд ёш иштирок этиди. Таъбирда ватандошларимизнинг ҳуқуқий манфаатлари ва саводхонлиги, четда яшаш ва ишлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, миграция қондалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Яна бир лойиҳамиз “Career Bridge” — “Карера кўприги” деб номланади. Лойиҳанинг мақсади — Ўзбекистондаги вазирилк, идора ва ташкилотлар, хусусий сектордаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот тарқатиш, хориждаги нуфузли университетларда тахсил олаётган ўзбек ёшларини мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда ишга тақлиф этиш, икки томонлама фикр ва маълумот алмашиш учун шароит яратишдан иборат.

Чет элда тахсил олаётган талабанинг олдидан бир муаммо бўлади: “Ўзбекистонга қайтсам, иш топа оламанми?” Шу боис февраль ойида барча ижтимоий тармоқлар орқали онлайн видеоконференция ўтказдик. Конференцияда ахборот технологиялари, туризм, маркетинг, молия ва иқтисодиёт, тиббиёт йўналишида Япония, Хитой, Туркия, Латвия ва Россиянинг етакчи университетларида тахсил олаётган 2000 дан зиёд битирувчи катнашди. Ўзбекистондаги бўш иш ўринлари ҳақида тақдимот қилдик. Жами 60 та тақдирот (7 та давлат идораси ва 53 та хусусий сектор) бўш иш ўринлари ҳақида онлайн маълумот берди. Ёшларимиздан 20 нафарни Ўзбекистонда ишлаш истагини билдирди. Улар “British American Tobacco”, “Лукойл”, “Артел”, “Аква”, “Аква мелайн” каби компания-

ларда фаолият юритмоқчи. Айни пайтда уларни расман ишга қабул қилиш жараёни кетмоқда. Аммо 20 нафар битирувчининг ишга қабул қилиниши катта натижа эмас! Келгусида лойиҳани давом эттириб, бўш иш ўринлари ҳақида тез-тез тақдимот қилмоқчимиз.

— Ностандарт, янгича фикрлайдиган кўпга ёшлар юртимизда ўз ўрнини топпмай, хорижга интилоқда. Қизиғи, улар ўша ерда униб-ўсмоқда. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Тан олиш керак, кўпга интеллектунал салоҳиятли ёшлар хорижга чиқиб кетган. Ўзим чет элда ўқиганимда катта муваффақиятларга эришган илмий, ақлли ёшларимизнинг кўпини кўрдим. Уларнинг Ўзбекистонда эмаслигидан афсусландим. Аммо ачқик ҳақиқат шунки, биздаги шароит уларни қониктирмапти.

Келинг, буни иккита йўналиш мисолида кўрамиз. Давлат тўра ва хусусий сектор. Давлат идораларида кўпроқ автократик бошқарув шакли ҳукмрон бўлгани учун ёшларимиз ишлаш олмапти. Чунки иш вақти соат 9 да бошланиб, баъзан ходимлар тунги 22-23 га қалар ишдан чиқиб кета олмапти. Раҳбарларнинг автократик қарашини, жамоадаги ёшларнинг фикри билан қизиқмаслиги, ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб иш олиб бориши янгича фикрлайдиган, тизимга янгилик киритмоқчи бўлган истеъдодли кадрларни қониктирмапти.

Раҳбар кўл остидагилар фикрига қўлоқ солса, улар билан кенгашиб иш тутса, ривожланиш бўлади. Айниқса, ёшлар креатив ғоялар, ҳар қандай масалага ноодатий ёндашув, шижоат ва ғайрат билан жамоага кўтаринкилик бағишлайди. Афсуски, бир қолига тушиб қолган, эскича фикрлайдиган раҳбарларнинг таъбири хали кучли бўлиб турибди.

Хусусий секторда эса келажак мавқум. Чунки бу соҳада қонунлар тўлиқ ишлайпти, деб бўлмайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам маош масаласи бироз оғриқли.

Интеллектуал салоҳиятли ёшларни ўзинга тортаётган яна бир жиҳат, аксарият чет эл олий ўқув юрталарига ўқишга кириш осон. Ишлаш учун ҳам худди шундай шароит яратилган. Масалан, Жанубий Кореяга ўқишга борган талаба 6 ойдан кейин иш фаолиятини бошлаши мумкин. Бунда маълум бир соатларда ишлаш имкониятига эга бўлади. Шу соатлар учун унга пул тўланади. Ўқишдаги шароитлар ҳам тўдан фарқ қилади. Талаба ўрганиши лозим бўлган фанларни ўзи танлайди. Ҳеч қандай қолига тушишга мажбурланмайди. “Ўзинг учун ўқийсан” тамойили устун туради. Таълим тизимини қизиқарли ишлаб чиқилган. Талаба шахс сифатида ривожланиш учун ҳаракат қилади. Ўз устида ишлайди. Турли йирик компаниялар билан амалиёт яхши йўлга қўйилган, барча тузилмалар яратилган.

Аммо ўқишга кетиб, асосий мақсадини унутиб, ўзини пул топишга урганлар ҳам йўқ эмас. Буларнинг барчаси йўқчилик. Айни шу жиҳатлар устида иш олиб боришимиз керак. Бизда потенциал катта. Ёшларимиз жуда зинқо. Уларнинг бутун саяё-ҳаракатини ватанимиз гуллаб-яшнаши учун йўналтириш асосий вазифамаиз.

— Ўзга юртларда ҳақ-ҳуқуқи топилган

ёшлари мизнинг муаммолари билан қандай тартибда ишлайсизлар?

— Шу йил 12 апрель кунини Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг расмий почтасига Туркиядаги вакил Эргаш Жумаев томонидан мурожаат келиб тушди. Унда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган консалтинг фирмаларидан бири 5 нафар юртодошимизга Истанбул шаҳридаги университетта шартнома асосида ўқишга қабул қилинганини айтиб, улардан 15 миң АҚШ долларини олган. Аммо фуқароларимиз Истанбулга келиб, бу университетда улар ҳақида ҳеч қандай маълумот қайд этилмагани, университетнинг бу фирма билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўриб, алданганини тушуниб етган. Бу иш ассоциациямиз томонидан ўрганиб чиқилди ва Ички ишлар вазирилги жиноят қилдирув бош бошқармасига қонуний чора кўриш учун юборилди.

Ҳозир бешта консалтинг компания устидан жиноий иш кўзатишган. Ўқишга деб кетган ёшларимизга Туркияда қурол ўқалган, Кореяда депорт билан қўриқтилганлар, миң афсус, ўзимизнинг миллатдошларимиз. Адлия ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирилги бу ҳолатни назоратта олиши керак.

Хорижга чиқиб кетаётган ёшларга ўзимизни таништириш учун ҳаракат қиламиз. Хорижий блогерлар билан ишлаймиз. Ёшларимизга керакли маслаҳат бериб, ҳақ-ҳуқуқларини танитишимиз. Турли мамлакатлардаги консуллик идораларимиз ҳам фаол ишлайпти.

— Хориждаги ўзбек диаспоралари билан ҳамкорлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Барча мамлакатлардаги ўзбеклар рўйхати шакллантирилди. Маълумотларга кўра, 2016 йили Россияда жами 289 миң 862 нафар этник ўзбек истикомат қилган. Бугунги кунда уларнинг сони ортган. Россияда 33 та ўзбек миллий маданий маркази ва жамиятлари фаолият юритади. Астрахань, Владимир, Мурманск областлари ва Красноярск шаҳрида меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш ва мослаштиришга кўмаклашиш марказлари, Смоленск, Новосибирск, Пенза областларида эса ўзбек ва келиб чиқishi Марказий Осиёдан бўлган диаспораларни ҳимоя қилиш марказлари фаолият олиб бормоқда.

Қозғистонда қарийб 550 миңга яқин, АҚШда эса 2013 йилги маълумотларга кўра, 56 миңга яқин ўзбек умргузаронлик қилган. Улардан 12 миңга яқини Нью-Йоркда истикомат қилиш ҳақида маълумотлар тўпланди. Биз шу ва бошқа мамлакатлардаги турли ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда иш олиб бораётишимиз.

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси делегацияси Афғонистоннинг Ҳайратон ва Мозори Шариф шаҳарларида бўлди. Балх вилояти ҳокимлиги, ёшлар ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда Гулом Муҳаммади Маймангаи номидаги хусусий мактабга бордик. Мактаб ўқувчилари дуч келаётган муаммолар, яъни ўқув қуроллари еттишмовчилиги, дарслик китоблар умуман йўқлиги, таълим олиш учун шароитлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Ўзбекистон делегациясини аъзолари хизмат сафари доирасида Балх давлат университетига фаол миллатдошларимиз Нурулло Олтой, Муҳаммад Ёқуб Қуёш, Акки, Чира Қайсар ва талабалар билан учрашиб, Балх ва Жавзон олий билим юртидаги ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида таълим олаётган ўзбекларга 358 донга ўзбек адабиёти намуналарини тақдим этдик.

Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

O'rnak ol!

“Юрт шаъни муқаддас”



Янгича фикрлайдиган, ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ёшларимиз илм-фан, таълим, маданият ва санъат, спорт йўналишларида халқаро миқёсда юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Улардан бири — навоийлик Хусен Эгамов. У 14-20 июль кунлари Будапешт шаҳрида 78 давлатнинг 285 нафар ўқувчиси иштирокида ўтказилган XXX Халқаро биология олимпиадасида бронза медалига эга сазовор бўлди.

— Болалигимдан шифокор бўлишни орзу қиламан. Кимё-биология фанларини чуқурроқ ўрганишга интиланман. Мактабда устозим Дилнавоз Раҳимовадан, Навоий давлат қончилиқ институтини академик лицейида Гулчеҳра Раҳмоновадан сабоқ олдим. 2018 йили Техрон шаҳрида ўтказилган XXIX Халқаро биология олимпиадасида сертификат билан тақдирланганим. Ўтган вақт ичида ўз устимда янада кўпроқ ишладим. Олимпиада топшириқлари амалий ва назарий қисмга бўлинди. Биологиянинг 4 йўналиши бўйича амалий ва 2 йўналишдаги назарий тест топшириқларини бажардик. Бошқа юртдан келган тендошларимиз билан куч синнаш эканимиз, юртимиз ҳақида ўйладим. Ахир, бизнинг аجدдоларимиз яратган илм бўлидиган дунё аҳли сув ичмоқда. Айниқса, биология фани ривожида Ибн Сино бобомизнинг ҳиссаси катта. Бу бир томондан фахр туйғусини уйғотса, бошқа томондан муносиб бўлишга даъват этади.

Хусен Эгамов ўз таасуротлари билан ўртоқлашар экан, бу ютуқлари замирида отаси Эркин Хўжақулов ва онаси Зебинисо Мирзаеванинг меҳнатлари ётганини алоҳида таъкидлади. Қаҳрамонимизга Халқаро олимпиадада қўлга киритган натижага дунёнинг исталган олий таълим муассасасида биология йўналишида грант асосида таълим олиш имконини беради. У Тошкент Тиббиёт академиясини танлаган.

Рўзиқул ОЧИЛОВ

Янги “Китоб олами”

Шофирқонда “Шофирқон зиё чашмаси” маъсуляти чекланган жамиятига қарашли “Бухоро китоб олами” номи китоб дўжони иш бошлади.

Уч қаватли муассасалар электрон кутубхона ва мутолаа бурчаги ҳам мавжуд. Тўрт миң номдаги илмий-техник, сиёсий-ҳуқуқий, бадиий адабиёт, ўқув қўлланма, болалар адабиётига оид 6 миңдан ортиқ китоб, ўқув қуроллари сотилмоқда.

— Китоб дўжонини 800 миллион сўмлик ўз маблагим ҳамда “Ағробанк”нинг тўдан филиалидан олинган 200 миллион сўмлик кредит эвазига қўриб битказдик. — дейди тадбиркор Зиёдулло Бахронов. — Ҳамкоримиз “Бухоро китоб олами”нинг 67 миллион сўмлик китоблари билан тасмаларимиз янада бойиди.

Лайло ҲАЙИТОВА



Innovatsiya

Иш керакми, иловани оч!

— “Job Cafe” иш қилдираётганларни иш бевувилар билан боғлайди. — дейди Инновацион ривожланиш вазирилги копидаги Илғор технологиялар маркази ходими Рустам Иброҳимов. — Англаб турганингиздек, бунинг учун уйдан чиқиб ҳам керак эмас. Илова орқали рўйхатдан ўтиб, махсус ID рақам олангиз қифоя. Мазкур тизимнинг аънаваный “мардикор бозори”дан фарқи шундаки, сиз ишга ёллаётган шахсининг саломатлиги, худк-атвори, тартиб-интизоми, малакасию қўлидан нима иш қилиши ҳақидаги маълумотлар олдиндан текширилган бўлади. Демак, уйингизга шуохали ёки касалманд шахсларнинг кириб қолиш хавфи бартараф этилади. Ҳозирги шаро-

итда бу ниҳоятда муҳим. Ахир, кўчадан одам олиб келиб ишдан ёлчимаган ёки мол-мулкни ўғирлаиб қўйган ҳамюртларимиз қанча. Ва аксинча, иш бевувилик зўғуми ҳамда зуравонлига учраб, меҳнат ҳақини ололмайд овозро сарсон бўлиб юрганлар ҳам бор. Сабаби ўртадаги муносабатлар тартибга солилмаган. Уларнинг қонуний асоси ҳам йўқ! Натияжада бирон қор-қол юз берса, арз-лодининг кимга айтиши билмай қолсан, киши. Бизнинг мақсадимиз мардикорлар деб юритилаётган ижтимоий қатламнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар иштирокидаги жиноятчиликка барҳам бериш ва ишсизликни қайтаришдан иборат.

Лойиҳа сентябрь ойидан тўлақонли ишлаш бошлади. Географик жиҳатдан у хозирча фақат пойтахт худудини қамраб олган. Бир марталик ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш (дарвоқо, мазкур амалиёт билан боғлиқ барча харажатларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўз зиммасига олган), шахси-

ни идентификациялаш, ҳуқуқий ҳамда психологик хизмат кўрсатиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилги томонидан Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино мавзёида бутун бошлик марказ қурилди. Бинода фуқароларнинг мурожаатларини тезкор равишда қабул қиладиган операторлар ҳам фаолият кўрсатади. Келгусида бундай марказларни барча худудларда очиш кўзда тутилган. Навбатдагисини Фарғона вилоятида бунёд этилмоқда.

“Job Cafe”нинг техник таъминоти учун жавобгар дастурчи Бунёд Ҳошимхўжаевнинг сўзларига қараганда, мобил илова орқали рўйхатдан ўтган киши шахсий профилига эга бўлади ва унда ўзи ҳақида маълумот қолдириши мумкин. Шунингдек, бошқалар ҳам у ҳақида фикрини билдириб, ишчи ва баҳо бера олади. Дастур иш изловчиларни манзили бўйича автоматик тарзда гуруҳлайди. Бу эса фойдаланувчиларга керакли мутахассисни тез ва осон топши имконини беради.

Н.БАҲОДИРОВА

Mulohaza

“Бир болага етти психолог ота-она”

Яқин-яқингача халқимиз психологларга эҳтиёж сезмаган. Лекин бу уларнинг ўрнини босувчи инсонлар бўлмаган дегани эмас. Оқсоқол нурунийлар, кайвони аёллар психолог вазифасини бажарган. Айниқса, фарзанд тарбиясида уларнинг ўрни беқиёс бўлган.

Бир болага етти маҳалла ота-она деган нақлга амал қилингани сабаб болар кўчада ҳам, уйда ҳам назоратда эканини ҳис этган.

Лекин ҳозиргидек глобаллашув, кескин ривожланиш даврида инсон психологиясини ҳақида замонавий билимга эга бўлмай, ёшлар тарбиясида натижага эришиш мумкин эмас. Зеро, бугунги ёшлар ҳар сонияда — ижтимоий тармоқларда, телефондаги ўйинларда турли мафқуравий хуружлар билан рў-

барў келади. Шу боис мактаб амалиётчи психологлари ўз қасбининг устаси бўлиши муҳим деб ўйлайман. У таълим муассасасидаги ҳар бир бола билан индивидуал ишлаши керак. Ана шунда болалар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, умуман, барча қўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Чунки психолог боладаги ўзгаришни ўз вақтида пайқайди.

Мактаб психологи замонавий билимларни эгаллаган, соҳадаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиши, турли оқим ва секталарнинг мафқуравий кураш усулларини билиши ва уларга

қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилган бўлиши керак. Яна бир муҳим жиҳат, мактабда камда икки нафар психолог бўлса, улар ўқувчилар билан индивидуал ишлаш олади. Зеро, биз фарзандларимизни қонил инсон этиб тарбиялаш ниятида эканмиз, уларни ташқи таъсирлардан асрашимиз керак.

Насиба ЗОКИРОВА, Миробод туманидаги 147-мактаб ўқувчиси



Yoshlik ilhomi

Ariqdagi suv to'xtab qolgan lahzalarni o'zi bilan oqizib ketar, mayin shabada turfa qushlarning ovozi uchirib, endigina yog'a boshlagan yomg'irga qo'shib yo'llarga sochar edi. Tunda deraza ortidagi anhorning ajib tovushi bir-biri bilan quvlashmoq o'ynab, hech qayerda yangramagan toza ohanglarni hosil qilardi.

Uni topdingmi?

Bu yerga kelganidan beri negadir seni topa olmayapman. Hamma yerdan izlayman. Ho-o'v anavi eng baland cho'qqiga chiqaman-da har yonga sochilib ketgan diqqat-e'tiborini siniqlarini jamlab, pastdan to'xtovsiz eshitilayotgan so'zlarga quloq solaman. Sening ovozing eshitilmaydi. Miltiroq yulduzlarga boqaman. Qara, bizning yulduzlarimiz shu yerdan ham ko'rinar ekan. Qiziq, qanchalab masofani bosib o'tsak-da, osmon qimir etmay joyida turaverarkan...

Quyoshning zarhal o'qlari yelkamga ozor bermay botardi. Yo'l bo'yidagi bir maromda chayqalayotgan teraklar bilan yaproqlar tilida gaplashaman. Ular xuddi seni izlayotganini bilgandek so'z qotadi:

— Uni topdingmi?
— Yo'q...
— U ham seni izlayapti.
— Qani, qayerda?!
— Shu yaqin atrofda. Izlayver, albat-ta, topasan!

Bu so'zlar umid baxsh etadi. Yo'lda davom etaman. Sharshara yoniga borib, ovozim boricha ismingni aytib chaqiraman... Ruhim toshlarga urilayotgan sunving shovullashiga singib ketadi. Bu ohanglarda ham o'sha sas bor edi:

— Uni topdingmi?
— Javob berishga madorim qolmay, boshimni xam qilaman.

— U shu yerda, ortimizdan yur, — deya meni irmoqlar qovjiragan yalanglik sari egashirdi. Yo'l oxirida bir tepalikka duch kelaman. Irmoqlar indamay ortga qaytadi. Qarshimdan bir juft xarsangtush chiqdi. Ulardan ham seni so'rayman. "Yuqoriga chiq,

u seni kutib turibdi", deyishlari bilan o't-o'lanlar-u toshlarga tirmashgan-cha cho'qqiga chiqqa boshlayman. An-cha balandladim. Yetay deganimda tirmashadigan narsa qolmadi. Pastga sho'ng'iy boshladim. Qo'rqib ketdim. Seni topa olmaslik hissiga bo'y beray dedim. Tuyqus qo'l-yelkalarimdan bir novda tutib qoldi. Unga bor kuchim bilan tirmashdim. Nihoyat novda qisqarib-qisqarib meni senga olib bordi...

— Bu yerda nima qilyapsan?
— Seni kutdim...
— Nega daraxtga aylanib olding?
Tag'in bir o'zing, giyoh o'smaydigan yerga kelib qolibsan.

— Muhimi, meni topding-ku!
— Ha, nihoyat seni topdim! Yur, odamlar orasiga qaytamiz.
— Yo'q, bora olmayman.
— Nega, axir? Yana o'z holingga qayt, bu ahvolda borolmaysan-da, al-batta.

— Qo'rqaman...
— Kimdan? — dedim uning suvsab qolgan sumbatiga hayrat aralash ni-gohlarimni qadab.

— Odamlardan! — dedi u o'ksik ovozda boshini quyi solib.

— Ular yomon emas, qo'rqma!
— Rostdanmi?!
— Ha! Men ham ularning biriman, axir. Seni zo'rg'a topdim, ishon!

— Unda... Unday bo'lsa boraman!
— Endi seni sira ham yolg'izla-tib qo'ymayman, hech kimga xafa qildirmayman. Endi doim birga bo'la-miz, Muhabbat!

Muhammad SIDDIQ

Mulohaza

YEYROPACHA futbol

O'YNAMAYMIZ!



Futbolchi ham, muxlis ham o'z milliy terma jamoasi-ni dunyodagi ishtirok etishini juda xohlaydi. Chunki bu — mamlakat-ni dunyoda borligini va nimalarga qodirligini ko'rsatish imkoniyati. Jahonning eng nufuzli futbol musobaqasida qatnashish o'zbek futbolini uchun hamon orzulgicha qolmoqda. "Ana chiqdik, mana boramiz", deydim-u, bo'lmayapti. Bahonamiz ko'p.

Futbolchilarimiz o'smirlik chog'ida jahonning kuchli terma jamoalari bilan tengma-teng raqobatlasha olardi. Masalan, o'z vaqtida o'smirlar o'rtasidagi jahon chempionatida Ispaniyaga qarshi maydonga tushgandik. Mag'lubiyatga uchragan bo'lsak-da, ammo "jang" murossasiz kechgan. Ispanlarda Andres Iniestra, bizda Aleksandr Geynrix bor edi. Iniestra katta futbolga o'tgach, jahon chempioni, ikki karra Yevropa chempioni, to'rt karra Yevropa chempionlar ligasi g'olibi bo'ldi. Umumiy hisobda 37 ta sovrinni qo'lga kiritdi. Geynrix esa...

O'smirlardan iborat terma jamoamiz ajoyib o'yinlar ko'rsatdi. Osiyo chempioni bo'ldik, jahon chempionatida kuchli sakkiztalikka kirdik. Milliy termaga kelganda esa... Muzqaymoq ham yeya olmayapmiz. Vaziyat o'nglanarmikan, deya argentinalik mutaxassis Ektor Kuperini bosh murabbiy sifatida olib keldik.

Kuperning shogirdlari futbolchi sifatida ham, murabbiy sifatida ham jahon chempioni bo'lishga ulgurdi. Ikki bor Yevropa chempionlar ligasida finalgacha yetib bordi. O'zining ta'biri bilan aytganda:

"Omasiz finallar". Futbol afsonalari: Pablo Aymer, Luis Ronaldo, Gaiska Mendeta, Muhammad Salohga ustozlik qildi. Misr terma jamoasini 28 yillik tanaffusdan so'ng jahon chempionatiga olib chiqdi.

Hozir biz Kuperni mundial eshiklarining "kaliti" sifatida ko'ryapmiz. Nazarimda, bunday tajribali murabbiy bizga juda kerak. Va u kelgach, futbolchilarning maydondagi harakatida sezilarli o'zgarishlar bo'lyapti. Turli taktikalar, har bir futbolchiga imkon berilishi, intizomli o'yinni ko'ryapmiz. Oldingidan farqli o'laroq, asosiy tarkib qanday bo'lishini hech kim oldindan ayta olmaydi.

Bizning terma jamoa tarixida turli tarkiblar bo'ldi: himoyaviy, bitta gol urib qoyadek turib oladigan, hujumga o'tib ketib oltitalab gol o'tkazib yuboradigan va hokazo. O'n uchta o'yinda asosiy hujumchi sifatida maydonga tushib, bitta gol urgan futbolchidan tortib, murabbiylikdan bir umrga chetlatilib, ikki yil o'tar-o'tmas, nomdor klubga ustozlik qi-

Katta maosh evaziga xorijdan murabbiy olib kelish degani, xorij futbolini ko'ramiz degani emas. Har qanday sharoitda bo'lsa ham o'z o'yinimizni topishimiz lozim.

ladigan trenregacha bor bizda.

Lekin Osiyo kubogidagi O'zbekiston — Avstraliya o'yinida biz yangi tartibli va Osiyoning grand jamoalariga ochiqchasiga bosim o'tkaza oladigan sifatli jamoani ko'rdik. O'yinimizda ancha o'zgarish bor.

Katta maosh evaziga xorijdan murabbiy olib kelish degani, xorij futbolini ko'ramiz degani emas. Har qanday sharoitda bo'lsa ham o'z o'yinimizni topishimiz lozim.

Tarixga nazar solaylik. 1958-yilgi Braziliya terma jamoasi. Bosh murabbiy Visente Feola braziliyalik bo'lsa-da, xorij tajribasiga ega mutaxassis. Undan dastlab yevropacha futbolni talab qilishgandi. Avvaliga shunday bo'ldi ham. Keyinroq esa azaliy "jango" uslubiga

qaytdi. Barcha 1950-yildagi kabi ularni mag'lub bo'ladi, deb o'ylagandi. Tarkib-da ham muammolar yetarlicha edi. Jarmo Santos (himoyachi) — o'smirlik davri zavodda ishlayotganida o'ng qo'l barmoq suyagini jarohatlab olgan. Garrincha — umurtqasi qiyshiq tug'ilgan, bir oyog'i kaltaroq. Darvozabon Kastilo — daltonik va barmoqlari yo'q. Bunday jamoa yarim final, finalda ham beshtalab gol urib g'alaba qozonishini kimdir taxmin qilgudek bo'lsa, uni qip-qizil almoqqa chiqarishlari aniq edi. Jamoa o'yinchilari kuchli bosim ostida qolgan bo'lsa-da, o'zlarini yo'qotmadi, o'z uslubidan qochmay, chempionlikni dadil qo'lga kiritdi.

Bizning vazifamiz ham nuqsonlar, tanqidlarga e'tibor bermay, o'z o'yin uslubimizni mukammallashtirib, olg'a intilishdan iborat. Yevropacha uslubda futbol o'ynamaymiz. Bizga bu kerak ham emas. Moslashishga urinish shunchaki befoyda, nazarimda. Biz Yevropa emas. O'zbekistonda tug'ildik. O'zbekcha gapirdik, o'zbekcha tarbiya oldik. Demak, o'zbekcha futbol o'ynashimiz kerak. O'ylaymanki, Kuper futbolchilarimiz ichida berkinib yotgan shijoatni uyg'ota oladi.

Mamlakatimiz amputantlar jamoasi futbol bo'yicha ketma-ket uch karra jahon chempioni bo'ldi. Endi navbat, kechroq bo'lsa ham, to'rt murchasi sog'lomlarga. Yo'q, biz jahon chempionligini so'ramayapmiz. Hech bo'lmaganda mundialda Madhiyamiz yangrab, futbolchilarimiz mag'rur turishini niyat qilyapmiz, xolos. Balki shundagina ayrim ajnabiylar yur-timizni "Uzpakistan" deyshdan to'xtar.

O'zbekiston milliy terma jamoasini jahon chempionatiga Ektor Kuper emas, milliy ruh, milliy g'urur olib chiqishini anglash vaqti yetdi.

Bunyod ABDULLAYEV

Bilasizmi?

Qushlar tanasining o'rtacha harorati 44 gradus bo'lib, ular umuman terlamaydi. Uchish paytida qushning yuragi 1 daqiqada 1000 marta uradi. Yangi Zelandiyada yashaydigan kivi qushining dumi va qanotlari yo'q. Patlari esa junga o'xshaydi. Kaptar va jarqaldirg'och soatiga 300 kilometr tezlikda ucha oladi. Eng ochofat qush — kolibri. U har 10 daqiqada oziqlanadi.

Ekologuz kanalidan olindi.



Hayot charxpalagi

Bolaga munosabat shumi?

Endi aqlimni tanigan paytlarimni yodga olsam, uzuq-yuluq xotiralar ummoniga g'arq bo'laman. Ko'z o'ngimda bobom gavdalanadi.

Jiyanlarim sho'xlik qilganda buvim koyib bersa, bobom ularning yonini olib: "Bolalik poshsholik-da, terga-mang, to'yib-to'yib o'ynasin", — derdi.

Yaqinda "Qo'yliq" dehqon bozori yonidan o'tayotib, jaziramada suv sotayotgan, chamasi 10-12 yashar bolaga ko'zim tushdi. Shu payt bir ayolning shang'illagan ovozi eshitildi: "Bu yerda uch yildan buyon savdo qilaman, ko'chadan kelib, mening o'rnimga ega chiqmoqchimisani?! — deya bolaga dag'dag'a qildi u. — Bor, boshqa joy top, bu yer mening joyim".

Yigitcha mo'htilagan ko'zlarini atrofda qaytib, yelkasiidan turtayotgan ayolning izmiga yurishga majbur bo'ldi va aravasini yo'lining narigi yuziga sudray boshladi. Men voqeani kuzatib turdim. U o'ziga yangi joy topib olgach, nigohini boyagi baqiroq ayolga tikdi. Shang'i ayol yana bolaga yopishdi. Shu orada ularning oldidan ikki nafar ichki ishlar xodimi beparvolarcha o'tib ketdi. Bolaning ko'zi yoshga to'ldi. Men chidab turoldim. Uni ranjitgan bozorchining yoniga borib: "Bu bola shu yerda savdo qiladi!" — dedim qar'iy. "Nimaga ekan?! Sotmaydi! Bu hudud meniki!" — dedi ayol g'azabnon ohangda. "Bo'lsa, marhamat qilib, bu joy sizga tegishli ekani haqidagi hujjati ko'rsating", — dedim bo'sh kelmay. Hamma tomosha shundan ke-



yin boshlandi. Ayolning turmush o'rtog'i, bozorda suv sotadigan boshqa ayollar uning himoyasi-ga otladi. Bola tuhatga qoldi. Mirobod tumanidagi 213-umum-ta'lim maktabining 6-sinfida tahsil olayotgan Asadbek Isoqovning janjaldan boshi garang edi. Uning onasi bozorda non sotarkan. "Suvga o'zim qarab turaman,

borib onangni chaqirib kel", — dedim unga. O'n daqiqadan so'ng Asadbek onasi bilan qaytib keldi. Bo'lgan voqeadan xabar topgan ona: "O'g'limning maktabdagi baholari a'lo. Ayniqsa, matematika fani va shaxmatni yaxshi ko'radi. Lekin ta'limda uni pulli to'garaklarga berolmadim. To'rt nafar farzandim bor. Ularni yedirib-ichirishim kerak. Sharoitim ko'targanida...", — deya boshini quyi egdi.

Ancha urinishlardan so'ng hudud-dagi patrol-post xizmati boshlig'i Ilyos Begaliyevni topishga muvaffaq bo'ldim. U kelganida janjal ancha tin-chib qolgandi. Ammo Bektemir tuman-i voyaga yetmagan yoshlar bilan ish-lash bo'limi boshlig'i telefonda hozir yetib boraman, deb shu bo'yi qorasini ko'rsatmadi. Tuman ichki ishlar bo'limi rahbari, podpolkovnik Begzod Avaz-xonov esa sira aloqaga chiqqani yo'q. O'rtada bolaning ko'ngli xira bo'lgani qoldi...

Mutasaddirlar mazkur holatga jid-diy e'tibor qaratilishini xohlardik. Umid qilamizki, patrol-post xiz-mati boshlig'i Ilyos Begaliyev va'dasi yerda qolib ketmaydi va bunday ko'ngilsizliklarning oldi olinadi. O'z navbatida, Asadbek istiqomat qilayotgan mahalla fuqa-rolar yig'ini faollari bolani bepul to'garaklarga jalb qilishda amaliy yordam ko'rsatishiga umidvormiz.

Sarvinoz SAKSONOVA



Oltin meros

Chor Minor — 1807-yilda Buxoro hukm-dori amir Haydar davrida bunyod etilgan. Xalifa Xudoydod (Niyozquli) madrasasi deb ham yuritiladi.

Chor Minorning me'moriy uslubi o'ziga xos. Uning to'rt tomonida minora qad ko'tar-gan bo'lib, o'rtasida gumbaz mavjud (Chor Minor degan nom shundan kelib chiqqan). Minoralar yangi obrazli ma'no kasb etgan.

Madrasa hovlisining ikki tomonida hujralar, so'ngida esa guzar masjidiga o'xshash bir xona va ayvonli masjid qurilgan. Obida Buxoro amirligida madaniy tushkunlik holati kuzatilgan zamonda ham ustalarimiz ijodiy tafakkuri so'nmganidan darak beradi.

B.ILHOMJONOV tayyorladi.

Yoz — o'tmoqda soz
Mazmunli dam olish maskani

Ta'til kunlarida bolalar oromgoh tomon oshiqadi. Shahrisabzdagi "Beruniy" bolalar sog'lomlashtirish oromgohi yana o'g'il-qizlar bilan gavjum.

Oromgoh ma'muriyati yoshlarning maroqli dam olishini ta'minlash maqsadida Prezidentimiz ilgari surgan besh tashab-bus doirasida to'garak va mashg'ulotlar faoliyatini yo'lga qo'ydi. Jumladan, badiiy

havaskorlik to'garagida bolalar san'atning ko'p qirrali yo'nalishlari bilan tanishdi. Sport mashg'ulotlari dam oluvchilarning sog'lom voyaga yetishi uchun xizmat qilsa, bichish-tikish, kompyuter va chet tili to'garaklari bo'sh vaqtni mazmunli o'tkazishga zamin hozirlaydi.

Muxbirimiz

Ko'ngildan ko'chirmalar

Qurumsoq

Hozir qorim to'q. Lekin mana bu nonni qo'shimga bermaslik uchun ham o'zim yeyman.

To'lov

U kambag'allikni yoqtirmay o'sdi. Ulg'aygach, g'ariblikdan qutulish uchun avval nomusini, so'ngira bolasini sotdi. Keyin yo'qchilik ko'rmadi, farzand ham...

Otasiga o'xshasa...

Ota bor alamini ichib turgan qadahidan oldi. Uning shovqiniga uyg'ongan go'dak-ni beshigini uyqusiragan ona "Otasiga o'xshagan inson bo'lsin alla-aaal", deya tebratardi.

"Yozuvchi"

"Kimsan, falonchi degan nomim bor, — deya o'shirdi 'yozuvchi'. — "Asarlarim"

bilan atrofda qaytib, yelkasiidan turtayotgan ayolning izmiga yurishga majbur bo'ldi va aravasini yo'lining narigi yuziga sudray boshladi. Men voqeani kuzatib turdim. U o'ziga yangi joy topib olgach, nigohini boyagi baqiroq ayolga tikdi. Shang'i ayol yana bolaga yopishdi. Shu orada ularning oldidan ikki nafar ichki ishlar xodimi beparvolarcha o'tib ketdi. Bolaning ko'zi yoshga to'ldi. Men chidab turoldim. Uni ranjitgan bozorchining yoniga borib: "Bu bola shu yerda savdo qiladi!" — dedim qar'iy. "Nimaga ekan?! Sotmaydi! Bu hudud meniki!" — dedi ayol g'azabnon ohangda. "Bo'lsa, marhamat qilib, bu joy sizga tegishli ekani haqidagi hujjati ko'rsating", — dedim bo'sh kelmay. Hamma tomosha shundan ke-

Hurmat

"Aka" degani tili bormay, osongina "brat" deb qo'ya qoldi.

Iqror

Maktabda sinfdoshlaridan, institutda kursdoshlaridan ko'chirishga odatlandi. Bugungi hayotini ham ko'chirilgan odat-lar egallagan o'zidan boshqa hammaga ma'lum.

"Sabog"

Yoshligida otasi onasining ko'ziga musht tushirganini hal ham kechirolmagan erak xotini arzimagan xato uchun kattaklashdan tiyligani yo'q.

Ro'ziqul OCHILOV

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV
TAHRIIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Hasan
USMONOV

Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-713
Adadi — 19083

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 01.10
O'zA yakuni — 01.00